

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АГРОСАНОАТ  
КЛАСТЕРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**Ph.D. Хасан Каюмович МАМАРАСУЛОВ**

**Тошкент - 2019**

## Қишлоқ хўжалигида инновацияларни жорий этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» **2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон Фармони** («Об организации Министерства инновационного развития Республики Узбекистан» **от 29.11.2017 г. № УП-5264**);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» **2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон қарори** («О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации результатов научной и научно-технической деятельности» **от 14.07.2018 г. № ПП-3855**);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» **2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон Фармони** («О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов финансирования проектов в сфере предпринимательства и инноваций» **от 24.11.2018 г. № УП-5583**);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» **2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5583-сон Фармони** («Об утверждении стратегии инновационного развития Республики Узбекистан в 2019-2021 гг.» **от 21.09.2018 г. № ПФ-55443**);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги **2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон қарори** («О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики» **от 7 мая 2018 г. № ПП-3698**).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» **2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони** («О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития» **от 17.01.2019 г. № УП-5635**).

## Агросаноат кластерлари фаолиятини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари

“Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” **14.12.2017 й. ПФ-5285-сон Фармони** (Указ Президента Республики Узбекистан “О мерах по ускоренному развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности” от **14.12.2017 г. № УП-5285**)

“Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” **29.03.2018 й. ПФ-5388-сон Фармони** (Указ “О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодоовощеводства в Республике Узбекистан” от **29.03.2018 г. № УП-5388**).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари

“Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида” **15.09.2017 й. ПҚ-3279-сон қарори**

“Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” **12.01.2018 й. ПҚ-3472-сон қарори**

“Жиззах вилоятида пахтачилик-тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” **09.11.2018 й. ПҚ-4009-сон қарори**

“Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” **06.11.2018 й. ПҚ-4005-сон қарори**

“Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” **13.11.2018 й. ПҚ-4015-сон қарори**

“Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” **20.11.2018 й. ПҚ-4020-сон қарори**

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА АГРОСАНОАТ КЛАСТЕРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

### Агросаноат кластерлари фаолиятини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

#### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

“Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” **25.01.2018 йилдаги 53-сон**

“Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” **31.03.2018 йилдаги 253-сон**

“Ўзбекистон Республикасида «Индорама» (Сингапур) компанияси томонидан замонавий пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” **08.08.2018 йилдаги 632-сон**

“Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” **19.09.2018 йилдаги 744-сон**

“Андижон вилоятида мева-сабзавотчиликни кластер усулида ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” **21.09.2018 йилдаги 752-сон**

“Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ҳудудида жойлашган, бино ва иншоотларини (ускуналаридан ташқари) инвестициялар киритиш ҳамда 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан баҳолаш қийматида сотиш таклиф этилаётган пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш пунктларининг рўйхатига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” **25.09.2018 йилдаги 760-сон**

“Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида замонавий агросаноат кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” **01.12.2018 йилдаги 974-сон**

“Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига берилган майдонларда уруғлик пахтаом ашёсини етиштиришни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” **02.01.2019 йилдаги 2-сон**

“Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” **18.03.2019 йилдаги 230-сон**

## Агросаноат кластерлари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кейинги йилларда мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг кластер усули йўлга қўйилиши, замонавий ресурс тежовчи технологияларнинг жорий этилиши қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ер, сув ва моддий-техника ресурсларини тежаш, етиштирилган хомашё қайта ишланган ҳолда, тайёр маҳсулот кўринишида истеъмолга етказиб бериш жараёнида юқори қўшилган қиймат яратиш имконини бермоқда.

Бироқ, амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирларга қарамасдан, соҳада бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан:

**биринчидан**, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кластер тизими йўлга қўйилганига қарамасдан, уни тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий база мавжуд эмас;

**иккинчидан**, қишлоқ хўжалигида кластерларни ташкил этиш, улар фаолиятини йўлга қўйишда жойларда маъмурий бошқарув элементлари сақланиб қолмоқда;

**учинчидан**, фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари ва кластерларининг айланма маблағлари етишмаслиги, уларни молиялаштириш тизимининг такомиллашмаганлиги ҳамда уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитларга боғланиб қолмоқда;

**тўртинчидан**, қишлоқ хўжалигининг ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик соҳаларида ишлаб чиқаришнинг кластер усулини жорий этиш жараёнлари суст кечмоқда;

**бешинчидан**, кластерларга ер участкаларини ажратишда ягона ёндашувнинг йўқлиги боис фермер хўжаликларининг ер участкалари олиб қўйилган ҳолда ташкил этилаётганлиги жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда;

**олтинчидан**, кластер усули асосида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан имтиёз ва преференцияларни қўллашда ягона ёндашув мавжуд эмас;

**еттинчидан**, кластерлар фаолиятининг самарадорлигини ўрганиш бўйича мониторинг йўлга қўйилмаганлиги уларнинг фаолиятини холисона баҳолаш ва янада такомиллаштириш чораларини белгилашга тўсқинлик қилмоқда.

## Агросаноат кластерлари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ташқи ва ички бозорларга етказиб бериш жараёнларини илмий, инновацион асосда ташкил этишни йўлга қўйиш, кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида **Адлия вазирлиги** томонидан манфаадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Агросаноат кластерлари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори лойиҳаси тайёрланди.**

Мазкур қарор лойиҳасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги агросаноат кластерлари фаолиятига кўмаклашувчи ваколатли давлат бошқаруви органи этиб белгиланиши назарда тутилган.

Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига** – агросаноат кластерлари фаолияти самарадорлиги тўғрисида ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш;

агросаноат кластерлари томонидан ёки улар билан контрактация шартномаси тузган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда агротехник тадбирларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар бериш;

**Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига** – агросаноат кластерларини ривожлантириш мақсадида халқаро инновацион тажрибани умумлаштириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш, агросаноат кластерлари ҳамда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар хокимликларига** – агросаноат кластерларига тегишли ер майдонларида муҳандислик-транспорт коммуникацияларини барпо этиш;

агросаноат кластерларини энергия ва сув ресурслари билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўриш;

хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан агросаноат кластерлари ўртасида ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган кимёвий препаратлар ва минерал ўғитларни харид қилиш бўйича битимларни тузишда кўмаклашиш вазифаларини юклаш таклиф этилди.

**Амалдаги тартибга мувофиқ**

**Агросаноат кластерларини ташкил этиш тартиби**



**Агросаноат кластерларига кўмаклашиш СХЕМАСИ**



**Тақлиф этилаётган тартибга мувофиқ**

**Агросаноат кластерларини ташкил этиш тартиби**

**1. Маҳаллий инвесторлар томонидан ташкил этиладиган агросаноат кластери**

а) битта туманда


б) бир нечта туманда



**2. Хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этиладиган агросаноат кластери**



**Агросаноат кластерларига кўмаклашиш СХЕМАСИ**



## Агросаноат кластери мақомини олиш тартиби

Субъектлар	Тадбир номи	Муддат
<b>I босқич</b> Талабгор	Агросаноат кластери мақомини олиш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилади	ихтиёрий
<b>II босқич</b> Маҳаллий давлат ҳокимияти органи	Ариза келиб тушган вақтдан бошлаб талабгорнинг мезонларга мувофиқлигини ўрганади.	10 иш куни муддатда
<b>III босқич</b> Маҳаллий давлат ҳокимияти органи ва талабгор	Талабгор белгиланган мезонларга мувофиқ деб топилган тақдирда агросаноат кластери мақомини олиш тўғрисида битим имзоланади	3 иш куни ичида
<b>IV босқич</b> 1. Юридик шахс 2. Агросаноат кластери иштирокчилари ва юридик шахс 3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органи ва юридик шахс	<p>1. Юридик шахс агросаноат кластери иштирокчиларига агросаноат кластери фаолиятида иштирок этиш истаги тўғрисида ёзма таклиф юборади.</p> <p>2. Битимга ўзгартириш киритиш тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органига ариза топширилади.</p> <p>3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органи ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни юридик шахсни битимга киритиш масаласини кўриб чиқади.</p>	<p>ихтиёрий</p> <p>ихтиёрий</p> <p>5 иш куни ичида</p>

## Агросаноат кластери иштирокчиларига ер участкаларини ажратиш тартиби

<b>I босқич</b> Туман ҳокими	Агросаноат кластери иштирокчилари билан тузилган битимга асосан ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади.	Битим тузилган вақтдан бошлаб 3 иш куни ичида
<b>II босқич</b> Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими	Намунавий шаклга мувофиқ ер участкасини ижарага бериш шартномаси тайёрлайди.	Туман ҳокими қарори қабул қилинган вақтдан 2 иш куни ичида
<b>III босқич</b> Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ва агросаноат кластери иштирокчиси	<p>1. Чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари иштирокида агросаноат кластери иштирокчисига ижарага бериладиган ер участкаси чегараларини кўрсатади.</p> <p>2. Агросаноат кластери ерларини кўрсатиш далолатнома билан расмийлаштирилади</p>	<p>Шартнома тузилган вақтдан бошлаб</p> <p>2 иш куни ичида</p>

## Агросаноат кластери иштирокчиси битимдан чиқиши ёки фаолияти тугатилиши муносабати билан битимга ўзгартириш киритиш ёхуд бекор қилиш тартиби

<b>I босқич</b> Агросаноат кластери иштирокчиси	Агросаноат кластери мақомини олиш тўғрисидаги битимдан чиқиш истагини билдирган тақдирда бу ҳақда маҳаллий давлат ҳокимияти органини ва агросаноат кластерининг бошқа иштирокчиларини ёзма равишда хабардор қилади	1 иш кунида
<b>II босқич</b> Агросаноат кластери иштирокчилари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органи	Агросаноат кластерининг иштирокчилари ва маҳаллий давлат ҳокимияти мазкур хабар олинган кундан бошлаб 5 иш кунида биргаликда агросаноат кластерининг бошқа иштирокчилари томонидан агросаноат кластерининг фаолиятини мазкур низомда белгиланган мезонларга талабларига мувофиқ фаолият юритиш имкониятини қайта кўриб чиқиш бўйича муҳокама ўтказилади	5 иш кунида



***ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ!***